

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Үн.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВ ЭШМУХАМАД ОМАНТУРДИЕВИЧ

**ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ (АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ
ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ МИСОЛИДА)**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи (юримдик фанлар)**

**Юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Кадилов Эшмухамад Омантирдиевич

Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари
(Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари мисолида) 3

Кадыров Эшмухамад Омантирдиевич

Вопросы повышения правовой и политической культуры молодёжи
(на примере академических лицеев и профессиональных колледжей) .. 29

Kadirov Eshmukhamad Omanturdievich

Improving the legal and political culture of young people
(on the example of academic lyceums and professional colleges) 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Үн.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВ ЭШМУХАМАД ОМАНТУРДИЕВИЧ

**ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ (АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ
ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ МИСОЛИДА)**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи (юримик фанлар)**

**Юримик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Үз3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/content/avtoreferatlar) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида(www.ziyo.net/uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тулътеев Ильяс Тавасович
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Маматов Худоёр Тешаевич
юридик фанлар доктори, доцент

Саггаров Абдуғафур Хамидович
юридик фанлар доктори

Турғунов Илҳом Турғунович
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.Үз.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 17 январь куни соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил 3 январь куни тарқатилди.

(2019 йил 3 январь 8 - рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Хусанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

А.Э. Йўлдошев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

С.М. Селиманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, ижтимоий-ҳуқуқий зиддиятларнинг кучайиб бораётганлиги боис 2 миллиардан ортиқ ёшларнинг¹ онги ва дунёкарашини ўзгартиришга қаратилган кураш авж олмоқда. Ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг даражаси эртанги кун тараққиётини белгилаб бериши муносабати билан мазкур масала тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этмоқда². БМТ Бош ассамблеяси томонидан ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан фаол этиб тарбиялаш масаласи устувор йўналиш сифатида эътироф этилган. Ёшларнинг маънавиятини, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш, инновацион усул ва воситаларини яратиш, ушбу тизимни ривожлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантиришнинг методологик жиҳатлари, юридик табиатини таҳлил этиш, шунингдек, ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш тизими самарадорлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий хабардорлигини оширишнинг таъсирчан механизмлари шакл ва усулларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга моликдир. Айниқса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги таъсири даражасини ошириш, уларни жамоат ва давлат ишларига кенг жалб этиш, турли институтлар орқали сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларида фаоллигини кучайтиришнинг қонуний ечимларини топиш, бу борадаги халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш долзарб ҳисобланади.

Республикаимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи ёшлар эканлигидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Давлатимиз раҳбари: «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда»³, деб алоҳида қайд этди. Шу боис, мамлакатимизда «мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш»⁴ ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ <https://news.un.org/565442-government-bodies-must-serve-people-uzbek-president>

² Проблемы гражданского общества. Ежемесячный обзор зарубежной литературы. – 2018. – Т. - №9 (14).

³ Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир / «Халқ сўзи» 2017 йил 1 июль.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон, 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон фармонлари, шунингдек, 2017 йил 14 мартдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2829-сон, 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2883-сон, 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сон қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Georgetown (АҚШ), University College London (Англия), Central European University (Венгрия), University of Tennessee (Италия), University of Waterloo (Канада), Charles University (Чехия), University of Tsukuba (Япония), Россия Федерацияси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Россия ҳуқуқ академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий

⁵ Frommhold, G. Juristische Kliniken [Elektronische Ressource] /G. Frommhold // Digitale Bibliothek, Max-Planck-Institut für Europäische Rechtsgeschichte.–Zugriffsmodus: <http://dlib-zs.mpiet.mpg.de/pdf/2173669/05/1900/21736690519000470.pdf>.–Zugriffsdatum: 11.06.2018; F. Mary Robertson, A Study of Youth Political Participation in Poland and Romania, Thesis to be submitted for the degree of Doctor of Philosophy in Political Science, University College London (UCL), – 2009; D.Sirinic, The political consequences of low youth participation in contemporary democracies, In partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy, Central European University Department of Political Science, Budapest, Hungary. –2015; Isaacs, Miranda Ruth, "Tackling Youth Unemployment: An Investigation of Youth Employment in Italy" (2018). University of Tennessee Honors Thesis Projects; E.Ho, A.Clarke, I.Dougherty, Youth-led social change: Topics, engagement types, organizational types, strategies, and impacts, Environment and Resource Studies, University of Waterloo, 200 University Ave W, Waterloo, ON N2L 3G1, Canada; A.J.Dolezelova, European Union as a Factor of the Advancement of Gender Equality in the Czech Republic, Charles University Faculty of Social Sciences – 2006.

натижалар олинган: ҳуқуқни амалий ўргатишга йўналтирилган «Street law» дастури асосида ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг ҳуқуқий механизми (ҳуқуқни амалий тажриба асосида ўргатиш) ва шакллари (ноанъанавий ва норасмий) ишлаб чиқилган (The University of Georgetown); ёшларнинг таълим олиш жараёнидан ишга киришигача бўлган даврда фаолиятини мониторинг қилиш тизими жорий этилган (The University College London); сиёсий-ҳуқуқий жараёнларда ёшларнинг бир хилда иштирок этмаслигига барҳам беришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилган (Central European University); ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган (The University of Waterloo); ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришда замонавий инновацион усулларни қўллаш йўллари тавсия этилган (Charles University); ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда миллий урф-одатларнинг таъсири ўрганилган (University of Tsukuba); ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий ижтимоийлашувини таъминлаш тизими яратилган ва улар такомиллаштирилган (Россия Федерацияси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Россия ҳуқуқий академияси).

Дунёда ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг самарадорлигини ошириш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини диагностика қилиш; ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий қадриятларни шакллантириш; ўспиринлар ҳуқуқий ва сиёсий маданияти хусусиятларини аниқлаш; ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш муаммоларини тадқиқ этиш; ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш йўллари аниқлаш; ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий жараёнлардаги бир хилда иштирок этмаслигининг олдини олиш; 15-24 ёшдагиларнинг сиёсий-ҳуқуқий ҳаётда мақсадли иштирокини таъминлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг айрим жиҳатлари миллий ҳуқуқшунос олимлардан Э.Абзалов, Н.Вахобов, Д.Дехқонова, Х.Закиров, З.Исломов, И.Кудрявцев, З.Мадалиева, Х.Маматов, О.Насриддинова, Х.Одилқориев, Ё.Садикова, А.Саидов, У.Тожиқонов, Н.Сайдалиходжаева, Р.Турдибоева, А.Хамраев, Ш.Якубов ҳамда сиёсатшунос олимлардан Б.Жўраев, С.Жўраев, Л.Тангриев, Ш.Эрматов кабиларнинг илмий изланишларида муайян даражада тадқиқ этилган.

Хориж мамлакатлари ҳуқуқшунос олимларидан Е.Аграновская, Р.Байниязов, Н.Вопленко, О.Демко, Ю.Дмитриев, Н.Кейзеров, А.Малько, Н.Матузов, В.Сальников, А. Вейл, Д. Истон, Дж. Деннис, С.Палонский, Дж. Пиаже, Дж.Кевин, Дж.Торни-Пурта, С.Стивенсон, Л.Матвеев, Г.Матвеев⁶ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўспирин ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг айрим жиҳатлари ўрганилган.

⁶ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий изланишлари, асосан, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг айрим умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, уларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалаларига бевосита ёндашилмаган. Шу сабабли таъкидланган тоифа ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалаларини комплекс тадқиқ этиш долзарб саналади.

Мамлакатимизда ёшларнинг, хусусан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университети илмий тадқиқот ишлари режаси «Жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг асосий йўналишлари (назарий-методологик ва амалий таҳлил)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасалари ўқувчиларида ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни юксалтиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш ҳамда уни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш нуқтаи назаридан ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади ва мазмунини таҳлил этиш;

академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, уларни илмий тавсифлаш;

академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари тарбиясига ҳуқуқий ва сиёсий институтларнинг таъсирини очиб бериш;

ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш истиқболларини аниқлаш;

ҳалқаро стандартлар ва ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

академик лицей ва касб-ҳунар таълими тизимида ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш ҳамда унинг самарадорлигини оширишга доир тақлифлар ишлаб чиқиш;

ёшларга оид давлат сиёсати бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларни қўллаш амалиётининг сифатини ошириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг объекти мамлакатимиз ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида таълим олаётган ўқувчи ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида ўқувчиларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш борасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар, ғоя ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда тарихий, мантиқий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклиги бўйича ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш соҳасидаги профилактик фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

академик лицей ва касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ҳуқуқий ва сиёсий институтларнинг мазкур қатламга мансуб ёшлар тарбиясига оид фаолият йўналишлари ҳамда механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар асослантилган;

илк бор ўрта махсус касб-хунар таълим тизими ходимларининг ўз хизмат фаолиятидаги ҳуқуқий фаоллигини баҳолаш юзасидан тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ва талаблар ишлаб чиқилган;

ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари ўқувчиларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Медиамулоқот» дарсларини ташкил қилиш зарурлиги асосланган;

ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган 30 ёшгача бўлган ёшларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кафиллиги асосида жазодан шартли озод қилишнинг ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунида прокуратура, ички ишлар ва адлия органларининг ваколатига ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифаси киритилиши тўғрисидаги таклиф асосланган;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кафиллиги асосида ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган ўттиз ёшгача бўлган ёшларни судлардан шартли равишда озод қилиш ва бу борадаги мавжуд ҳуқуқий механизмларни аниқлаштириш тартиби таклиф этилган;

ўрта махсус касб-хунар таълим маркази томонидан академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини

ошириш мақсадида «Медиамулоқот» дарсларини ташкил қилиш зарурати асосланган;

ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизими ходимларининг хизматдаги хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоида йўналишларидаги шахсий масъулиятини кучайтириш борасидаги мажбуриятларини аниқлаштириш таклиф этилган;

Жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган социологик сўровни замонавийлаштириш, социологик сўров жараёнига янги услубларни, шу жумладан, ҳуқуқий ва сиёсий тизимга тегишли ижтимоий сўров лойиҳалар тизимини киритиш таклиф этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи фанида мавжуд бўлган назарий қарашлар ва миллий қонунчилик нормаларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асосланган.

Хулосалар муаллифнинг тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид қарашлари, таклифлари ҳамда статистик маълумотларни умумлаштиришга таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг назарий асосларини ривожлантиришга, давлат бошқаруви соҳасида ёшларга оид қонунчиликни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан кейинги илмий тадқиқотларда, норма ижодкорлигида, қонунчиликни қўллаш амалиётида, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар соҳасидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Конституциявий ҳуқуқ», «Ўзбекистонда ёшлар сиёсатининг асосий йўналишлари» фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларни такомиллаштириш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида давлат ва ҳуқуқ назарияси ва конституциявий ҳуқуқ фанларини ўқитишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг асосий йўналиши ва ушбу сиёсатни рўёбга чиқаришда иштирок

этувчи органлар ва муассасаларнинг мажбурияти сифатида белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни 5-моддаси 8-банди, 10-моддаси 6-банди, 14-моддаси 4-банди, 15-моддаси 2-банди, 16-моддаси 4-бандларини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 22 февралдаги 05/01-07-219-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, прокуратура, ички ишлар, адлия органларининг ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган фаолиятини ташкил қилишга ҳуқуқий асос бўлган;

ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш юзасидаги таклифларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва сиёсий партияларнинг мазкур қатламга мансуб ёшлар тарбиясига оид фаолият йўналишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи меморандумлар тузишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 30 ноябрдаги 02/02-1238-18-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар ҳуқуқий ва сиёсий институтларнинг мазкур қатламга мансуб ёшлар тарбиясига оид фаолият йўналишлари ва механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг ўз хизмат фаолиятидаги ҳуқуқий фаоллигини баҳолаш юзасидан тавсифловчи асосий кўрсаткич ва талабларни белгилаш таклифлари Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тартибга солувчи Низомнинг 2, 3, 4, 5, 6, 9-бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг 2017 йил 3 апрелдаги 31-03/05-130-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар тизим ходимларининг тартиб-интизомга қатъий амал қилиш кўникмаси шаклланиши ҳамда ўз ҳуқуқий фаоллигини баҳолаш кўрсаткичлари ва талабларини жорий қилишга хизмат қилган;

ўқувчиларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлик даражасини ошириш мақсадида амалиётчи мутахассислар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга оид таклифлардан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчи ёшларга «Медиамулоқот» дарсини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 27 февралдаги МХ-01/12-48 сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлик даражасини ошириш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган 30 ёшгача бўлган ёшларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кафиллиги асосида жазодан шартли озод қилиш борасидаги таклифи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги

Меморандумда белгиланди. (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 5 мартдаги 2018 йил 04-13/1275-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятини кучайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 63 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та илмий мақола (18 та республика, 2 та хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 204 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, изланиш натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг «**Ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ўрганишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида «маданият», «ҳуқуқий маданият», «сиёсий маданият» ва «ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданияти» тушунчалари ҳамда ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг ўзаро диалектик алоқадорлигининг умумий тавсифи, шаклланишининг тарихий ва замонавий концепциялари билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

Диссертант ўқув жараёнида ҳуқуқий ва сиёсий йўналишдаги кадриятлар ва академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг юксак ҳуқуқий-сиёсий маданиятини шакллантириш зарурлигига эътибор қаратади. Унинг таъкидлашича, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг ҳуқуқий маданияти уларнинг ҳуқуқий билимлари, кўникмалари, маънавий-ҳуқуқий кадриятлар асосидаги мўлжаллари, хулқ-атворлари

йиғиндиси, шунингдек, ҳуқуқ талабларига риоя этиш ва шахсий ижтимоий фаол позициялари ифодасидир.

Диссертант ушбу тоифа ёшларининг таркибини, ахлоқий-руҳий хусусиятларини тадқиқ этади. «Ювентология», «ёшлар», «ёшлар сиёсати» тушунчалари ретроспектив жиҳатдан таҳлил қилиниб, унинг «ўспирин ёшлар», «ижтимоий фаоллик», «ёшлар ҳуқуқий маданияти» ҳамда «ёшлар сиёсий маданияти» каби тушунчалар билан ўзаро нисбатига ойдинлик киритилган, уларнинг давлат ёшлар сиёсатидаги аҳамияти таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатига тааллуқли қонунчилиги ривожланиши босқичларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш муаммолари, ёшлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилигининг олдини олиш тизими, ўқувчи ёшларга ҳуқуқий таълим бериш тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий ижтимоийлашувини тўғри ташкил этиш каби масалалар таҳлил қилинган; шунингдек, ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятига оид ёндашув ва турли концепциялар ўрганиб чиқилган.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятига бағишланган тадқиқотларга кўра, унинг бугунги ҳуқуқий воқелиқдан келиб чиқадиган таърифи мавжуд эмаслиги кўрсатилган. Ўз навбатида, ҳозирги вақтда ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданияти бўйича ягона ёндашув йўқлиги ва унга бугунги ҳуқуқий реаллик асосида таъриф берилмаганлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш ҳуқуқий жиҳатдан комплекс, тизимли ўрганилмаганлиги, шунингдек, бу борада юзага келган ёшлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилигига лозим даражада эътибор берилмаётганлиги кўрсатилган; ўқувчи ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғиботнинг мазмуни, шакл ва услублари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш нуқтаи назаридан етарлича ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги, биринчи навбатда, ёшларга оид халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидаларнинг миллий қонунларда акс эттирилиши зарурлиги қайд этилган.

Тадқиқотчининг фикрича, ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлиги, дастлаб, ёшларга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қай даражада миллий ҳуқуқий тизимга оқилона татбиқ этилгани ва миллий қонунчилигимизнинг амалда кўзланган мақсадга эришаётгани билан тавсифланади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ва олимларнинг фикрлари таҳлил қилиниб, «ёшларга оид сиёсат» ва «ҳуқуқий маданият» тушунчаларига қуйидаги муаллифлик таърифлари берилган: *«Ёшларга оид сиёсат – давлатнинг демократик тараққиёт йўлида ёшларни муҳим стратегик куч сифатида тан олиши, замонавий дунёда ёшларнинг эҳтиёжлари, манфаат ва ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиши ва муҳофаза этилишига йўналтирилган ҳуқуқий-ташкилий дастур, восита, чора ва хатти-ҳаракатлар йиғиндиси ҳамда ўзининг ёшларга нисбатан бошқарув ва ижтимоий функцияларини демократик сиёсий тизим, халқаро ёхуд миллий ҳуқуқ нормалари талаби даражасида тўлиқ бажариши. Ёш авлод вакилларининг манфаатини, бошқа*

қатламлар вакиллари манфаатига қарши қўймасдан, умуммиллий манфаат билан уйғунлаштириши – ёшлар сиёсатининг асосий вазифасидир».

«Хуқуқий маданият – ижтимоий маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у шахснинг ижтимоий, хуқуқий ва сиёсий институтлар таъсирида, миллий менталитет асосида миллий ҳамда халқаро хуқуқ нормаларини замон талаблари даражасида ўзлаштирганлиги, хуқуқий ва сиёсий жиҳатдан ижтимоийлашуви, ўз хуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги индивидуал хуқуқий онг, хуқуқий билим ва хуқуқий хулқ-атворнинг амалдаги йиғиндисидир. «Хуқуқий маданият» тушунчаси соф хуқуқ доирасидан анча четга чиқиб, қатъий тартиб-интизом, шахсий жавобгарлик, чинакам ижтимоий адолат ўрнатиши, жамият хуқуқий ҳаётининг энг муҳим томонларига дахлдор қадрият сифатида аҳамиятга молик бўлган хулқ-атвор қарор топишига сабаб бўлади».

Диссертант, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежи ўқувчилари хусусиятларини ўрганиш асосида «ўспирин ёшлар» тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифини ишлаб чиққан: «Ўспиринлик – одамнинг болалик билан ёшлик ўртасида куч-қувватга тўлиб-тошган, интилишлари чегара билмайдиган, романтик хаёллар огушида, қаҳрамонлик кўрсатишига, кўпчиликнинг эътирофи ва эътиборини қозонишига, ўз тушунчаси даражасида адолатга ишониб ва интилиб яшайдиган, қоида тариқасида

15-18 ёшлик эътибор талаб даври бўлиб, у инсон шаклланишида муҳим ёш босқичи».

Ёшларнинг хуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётига замин яратиши асосланган. Шу билан бирга, ёшлар хуқуқий маданиятига таъриф берилиб: бу адолат, аҳиллик, инсоф, масъулият, фаоллик, шаън, гуруҳ ва қадрият каби умумий маданиятнинг элементлари асосида шаклланадиган ҳамда ёшларнинг хуқуқий-сиёсий ижтимоийлашуви натижаси ёхуд қонунларга муносабати, хуқуқий саводхонлик даражаси, хуқуқ бузилишларига муросасизлигини англатадиган, хуқуқий онг, хуқуқий билим ва хуқуқий хулқ-атвори ёш хусусиятига кўра ўзида мужассам этиши эканлиги таъкидланган.

Шунингдек, «ёшлар сиёсий маданияти – шахснинг эрта болаликдан дастлаб оилада, мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлири ёки мавжуд ташқи таъсир доирасида давлат, сиёсий тизим, сиёсий институт ва сиёсий жараёнлар ҳақидаги сиёсий онг, сиёсий билим ва сиёсий хулқ-атворининг йиғиндисидир», - деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Муаллифнинг қайд этишича, тадқиқот предмети доирасидаги сиёсий маданият ўқувчиларнинг билими, ҳис-туйғулари, анъаналари, қадриятлари, эътиқодлари ва сиёсий онгнинг бошқа элементлари билан боғлиқ сиёсий фаолиятидаги шакл ва стереотипларнинг йиғиндисидир. Шунингдек, ўқувчи ёшларнинг хуқуқий маданияти уларнинг жамиятдаги хуқуқий ғояларни, қадриятларни ўзлаштириш жараёни, ҳиссиётлари, хуқуқий нормалар юзасидан баҳолари, хулқ-атвор моделларининг, умуман, уларнинг хуқуқий ижтимоийлашуви механизми элементларининг яхлит йиғиндисидир.

Диссертацияда ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий маданияти категорияларининг ўзаро узвий боғлиқлиги, диалектик нисбати ва фарқли жиҳатлари кўрсатиб берилди.

Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ҳамда демократик қадриятлар билан моҳиятан алоқадорлиги, ёшларнинг ҳуқуқий интеллектуал салоҳиятини ошириш ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг негизи сифатида таҳлил этилган. Тадқиқотчи таъкидлашича, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ёшларни замонавий ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, тасаввурлар руҳида тарбияламасдан шаклланиши мумкин эмас. Аммо, ҳозирги ёшларнинг ҳуқуқий маданият даражаси ҳали юксак демократик талабларга тўла мутаносиб эмас, уларнинг маълум қисми амалдаги қонунчиликни етарлича билмайди, ҳуқуққа ҳурмат туйғуси уларнинг ички эътиқодига айланиб улгурмаган.

Ҳуқуқий онг ва маданият фуқаролик жамиятини тараққий эттиришнинг муҳим омилидир, зеро, ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий тизимни англаш, уни тўғри тушуниш орқали ўқувчиларнинг онги ва руҳиятида ҳуқуққа нисбатан муносабатни шакллантиришга эришилади. Натижада улар онгида ҳаётни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини идрок этишга эришилади. Ҳуқуқий маданиятнинг фуқаролик жамияти билан мантқан алоқадорлиги масаласи ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларининг таҳлили асосида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқувчи ёшларнинг мутахассислик йўналишидан келиб чиқиб, ҳуқуқий фанларни ўқитишни ихтисослаштириш бўйича таклиф илгари сурилган.

Ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг шаклланишига доир қарашлар ва концепцияларнинг тарихий жиҳатлари тадқиқ этилган. Унда ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг шаклланишига доир қарашлар ва концепцияларни илмий ўрганишни уч босқичга ажратган ҳолда даврлаштириш таклиф қилинмоқда. *Биринчи гуруҳ*да давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, беназир илмий юридик мерос, ўзбек давлатчилиги масалалари, Шарқ мутафаккир ва алломаларининг ҳаётий тажрибаси, улар яшаган давр нуқтаи назаридан баҳоланади ва улар асосидаги илмий талқинлар тақдим қилинади. *Иккинчи гуруҳ* давлат ва ҳуқуқ назариясининг дунёвий фан сифатида шаклланиши натижасида Ғарб, Европа, Осиё ва бошқа минтақа олимларининг ёшлар ҳуқуқий маданиятининг шаклланишига доир қарашлари ҳамда концепцияларининг соф илмий-назарий тадқиқини ўз ичига олган. *Учинчи гуруҳ*да эса бугунги кунда дунёда содир бўлаётган иқтисодий ва ижтимоий интеграциялашув, глобаллашув ҳамда тезкор ахборотлашув жараёнларининг ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксалишига таъсири ёхуд ёшларнинг жамият тараққиёти ёки унинг деструктивлашувига таъсири таҳлил қилиб берилган.

Бугунги глобаллашув даврида Интернет улкан ахборот манбаига айланиб айрим ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётгани, «Кўк кит» деб номланган хавфли ўйин МХД мамлакатлари орасида кенг тарқалиб ёшларнинг умрига зомин бўлиши даражасигача бориб етаётгани қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилган.

Жамиятнинг динамик ўзгаришига таъсир этувчи ижтимоий қатлам саналмиш ёшлар ўз қарашлари, қизиқишлари, қадрият ва манфаатлари орқали жамиятдаги ўзгариш ҳамда ислохотларни бошидан кечириши тадқиқ этилди. Айнан, ўспирин ёшларнинг ҳаётий позицияси ва унинг ижтимоий қиёфасининг қандайлиги бевосита жамият ривожига боғлиқ бўлса, ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг юксаклиги, улар ижтимоий фаоллиги мамлакатимиз тақдирини белгилаб берувчи омил эканлиги асослаб берилган. Ёшларнинг ижтимоий гуруҳ сифатида тавсифланиши бу гуруҳнинг бошқа ижтимоий гуруҳлардан алоҳида ажралиб турадиган ёш жиҳати, маданият, ҳуқуқ, оила ҳамда жамиятдаги ўрни, қадриятлари, қизиқиш ва эҳтиёжлари таҳлил этилган.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, яъни, ўспиринларнинг ақлий фаолияти кучайиб, мустақил ва ижодий характер касб эта бошлайди. Уларда бирор ишга диққатини тўплай билиш имкони ортади, мантикий фикрлашнинг турли кўринишларидан фойдаланиш малакаси шакллана боради. Ёшлар бу тоифасининг интеллектуал фаолияти чуқурлашиб, умумлаштириш ва абстрактлашга, ҳодисаларнинг сабабини изоҳлашга, асосли хулосалар чиқаришга, ўзгаларнинг қарашларига танқидий ёндашишга мойиллик ортади. Шунинг учун ҳам ўспиринлик шахсининг кейинги ҳаёт йўлини белгилашда ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Бу хусусиятларнинг ҳар бири ўқувчи ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий ижтимоийлашувини самарали амалга ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат аҳамиятига молик ваколатларни фуқаролик жамияти институтларига ўтказиш лозимлиги ҳақида хулосага келинган.

Академик лицей ҳамда касб-хунар коллежи ўқувчилари муайян қисмининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятидаги деформация шаклларини таҳлил этиш асосида диссертант ҳуқуқий нигилизм, ҳуқуқий инфантилизм, делитантизм ва юридик фетишизмнинг намоён бўлиш ҳолатларини аниқлади. Улар ижтимоий сўров маълумотлари билан асосланди.

Муаллиф ҳуқуқий тарбия жараёнининг мақсади, хусусият ва шаклларини тизимли тадқиқ этиб, ҳуқуқий тарбия академик лицей ҳамда касб-хунар коллежи ёшларининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг асосий воситаси сифатидаги аҳамиятини изоҳлайди. Бугун Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳуқуқий тарбия таълим жараёнининг ўта муҳим қисми ва вазифаси бўлмоғи лозим.

Диссертациянинг **«Ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган иккинчи бобида ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни юксалтиришга оид қонунчилик асослари, ижтимоий ҳаётда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни, мақсади ва асосий йўналишлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур бобда республикамізда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий ва конституциявий асосининг яратилиши тизимли равишда таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиш тенденцияси айнан ташкилий-ҳуқуқий асосларида намоён бўлаётганлиги кўрсатилди. Ушбу бобда ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга оид қонунчилик ҳужжатлари уч босқичга ажратиб тадқиқ этилди.

Биринчи босқич 1991-2000 йилларни ўз ичига олиб, бу қонунчилик асосларининг ташкилий-ҳуқуқий босқичи эканлиги қайд этилган. Унда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги (1991) Қонуннинг бу борадаги дастлабки ҳуқуқий асос сифатидаги аҳамияти кўрсатиб берилган. Шунингдек, республикада ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга оид қонунчилик ҳужжатларининг конституциявий негизлари изоҳланди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури (1997)нинг ёшлар сиёсати борасидаги аҳамияти билан бирга унинг камчиликлари қайд этилиб, мазкур Дастурга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилди. Ушбу босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатлари уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳамда уларга давлатимизнинг 1991 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, 1992 йилда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенцияга қўшилишига замин яратгани кўрсатиб берилган. *Иккинчи босқич* 2001-2015 йилларни ўзида мужассам этиб, ёшларга оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга оид давлат дастурлари қабул қилинишига эътибор қаратилгани билан характерланади. Ушбу босқичда, асосан, давлат томонидан ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш ёшлар сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилангани, уни аниқ муддатларда амалга оширишига эътибор қаратилгани исботлаб берилган. *Учинчи босқич* 2016 йилнинг сентябридан бошлаб, унда мутлақо янги Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши натижасида бу борадаги сифат ва самара босқичи бошлангани ёхуд ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимини оптималлаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани асосланганлиги берилган.

Ёшларга оид миллий қонунчилик тизими билан бирга халқаро тажрибага оид таҳлиллар ҳам амалга оширилган. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар юзасидан танқидий муносабат билдирилиб, дастур 4-банди 3 ва 4-хатбошиларининг ижросини сифатли таъминлаш ҳамда «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасини «уюлмаган ёшлар» тушунчаси билан тўлдирилиши таклиф этилган.

Давлат органларининг мазмун-моҳияти, мақсади, функциялари, типологияси ҳамда уларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи ёшлари ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришдаги фаолиятига доир назарий-ҳуқуқий масалалар таҳлил этилган. Ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш – барча давлат органлари учун вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги ва

мазкур фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилган. Давлат органлари фаолиятига халқаро тажрибани татбиқ этиш бўйича таҳлилий тавсиялар берилган. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчи ёшлари ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришда давлат органларининг ўрни ва таъсирини ошириш; ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларининг давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини кучайтириш; улар билан биргаликда ўқувчи ёшларни рағбатлантириш асосида ўспиринларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган акцияларни ташкил этиш таҳлил этилган.

Прокуратура, ички ишлар ва адлия органлари томонидан ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни такомиллаштириш механизмлари асослаб берилган. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш мақсадида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси 4-банди, 15-моддаси 2-банди, 16-моддаси 4-бандига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш билан боғлиқ илмий асослантилган ҳамда ижтимоий сўров натижалари билан тасдиқланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда муҳим манба эканлиги кўрсатиб берилган. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантириш нафақат оила ёки таълим муассасаларининг, балки бутун жамиятнинг муҳим вазифаси экани ва унинг замини бевосита республикадаги қонунчилик тизимига асосланиши таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини бутунлай янги сифат босқичига олиб чиқиш мақсадида ҳудудларда ёшлар сиёсати, таълим, фан, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар режаси ҳамда ёшлар тарбияси бўйича маънавий-маърифий дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида тўпланган фактик материаллар тадқиқ этилган. Хусусан, тадқиқотлар жараёнида ўқувчи ёшларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини яхши ўзлаштирган ҳолда, конституциявий бурчларига етарли даражада аҳамият бермаётганлиги аниқланиб, бу ҳолат тегишли статистик рақамлар билан тасдиқланган, шунингдек, мазкур ҳолатни яхшилаш мақсадида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган. Диссертацияда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчи ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга асос бўлувчи «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунга ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган таклифлар ҳам ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки»** деб номланган учинчи бобида жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш

борасидаги ваколатлари илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Унда ёшлар жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти ёритилган ва ҳуқуқий асослари тизимли таҳлил қилинган. Ёшлар жамоат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг тузилмалари, шу жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг жамиятдаги ўрни ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилиб, унинг ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчи ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш соҳасидаги ваколатларини янада такомиллаштириш ва мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда мазкур ташкилотларнинг ролини ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадқиқ этилаётган соҳалардаги иштирокини янада такомиллаштириш мақсадида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг 18-19-моддаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмаган ёшлар билан ишлаш соҳасидаги ваколатларини мустаҳкамлаш таклиф этилган.

Ўқувчи ёшлар учун ижтимоий-сиёсий тадбирларни ташкил этишда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагог ҳамда раҳбарлари ваколатларининг қонуний ҳамда илмий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Ўқувчи ёшларнинг ижтимоий-сиёсий тадбирларини ташкил этишда мамлакатимиз ёшларга оид давлат сиёсатининг қўйидаги асосий йўналишлари: маънавий-маърифий тадбирлар йўналиши; соғлом турмуш тарзи йўналиши; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; ижтимоий ҳимоя ва иш билан таъминлаш; иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш; ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онгини ошириш йўналишлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ эканлиги асослаб берилган. Амалга оширилган таҳлиллар натижаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 5106-сон Фармониға мувофиқ, «Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низом»га, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган алоҳида бандлар киритиш таклиф қилинди.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчи ёшларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида муайян академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида тажриба тариқасида ўқув режасида мавжуд ҳуқуқий фанни бир ўқув йили давомида таълим муассасасининг ихтисослигидан келиб чиқиб ўқитиш таклифи илгари сурилган.

Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини кенгайтириш борасида тавсиялар берилган. Хусусан, ижтимоий ҳамкорлик ғоясидан келиб чиқиб,

давлат ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари ва уларни янада такомиллаштиришнинг илмий ва конституциявий-ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилган.

«Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий фаоллиги» илмий категориясига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган, шунингдек, ёшларнинг жамият ҳуқуқий ва сиёсий тизимида ўз манфаатлари йўлида муайян сиёсий ва фуқаролик жамияти институтлари таркибига уюшиш тартиби, натижалари каби масалалар атрофлича ёритиб берилган.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи ёшларининг нодавлат ва ноижорат ташкилотлари фаолиятидаги иштирокини янада такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишига кўмаклашишни назарда тутувчи 21-моддаси мавжудлиги асослаб берилган.

Тадқиқотчи томонидан давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ҳамкорлигини амалга ошириш соҳасидаги ваколатларини янада кенгайтириш мақсадида бешдан ортиқ қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ўнга яқин қонунларга давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигига оид нормаларни киритиш таклифи илгари сурилган.

Диссертант ҳуқуқий таълим академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежи ёшларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда асосий ўрин тутуди, деган хулосага келади. Ҳуқуқий талабларни ўқувчи ёшларнинг табиатига, кўникмалари, хулқ-атвориغا сингдириш орқали уларни фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куриш жараёнларининг иштирокчиларига айлантириш вазифаси бажарилади. Ҳар бир ёш авлод ўз аждодларининг тажрибасини ўзлаштириб, айни вақтда, янги билим, назария ва амалиётни ҳам ўзлаштиради.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг истиқболлари»** деб номланган тўртинчи бобида ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг хориж тажрибаси таҳлили, ёшлардаги ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг юксалиши йўлида эришилган ютуқлар, муаммо ва ечимлар, шунингдек, бу борадаги устувор йўналиш ва ривожланиш истиқболлари таҳлил қилинган.

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги халқаро стандартлар илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилиб, ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШнинг Жоржтаун университетида вужудга келган ва юридик ўқув муассасаларидаги ҳуқуқий (юридик) клиника таркибида фаолият кўрсатган Street lawни ўқитишнинг ҳуқуқий технологияси америкача ҳуқуқни амалий ўргатиш дастури асосида мамлакатимизда юридик олий ўқув юртларида юридик клиниканинг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда юридик клиника ҳузурида волонтерликни шакллантириш асослантрилиб, қонунчиликка тегишли таклифлар берилган.

Мазкур бобда ёшлар ҳар қандай давлатнинг стратегик имконияти ва давлат яшовчанлигининг асосий шарти эканлиги халқаро тажрибадан келиб чиқиб, таҳлил этилган. Хусусан, хорижий давлатларда ёшлар сиёсати XX асрнинг 50-йиллари охири 60-йиллари бошида шаклланиб, у беш

босқични босиб ўтгани илмий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, тадқиқотда ёшлар сиёсати соҳасидаги халқаро стандартлар умумжаҳон (универсал) халқаро стандартлар сифатида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Ёшлар ўртасида тинчлик ғоялари, халқлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ғояларини тарғиб қилиш тўғрисидаги Декларация, Ёшларга тегишли чора-тадбирларни мунтазам амалга ошириш ва узоқ истиқбол учун режалаштирилган раҳбарий тамойиллар, Ёшлар учун 2000 йилгача ва ундан кейинга мўлжалланган Бутунжаҳон ҳаракат дастури, Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги Декларация, Демократия тўғрисидаги Умумжаҳон Декларацияси, Маданий турли-туманлик тўғрисидаги умумжаҳон Декларацияси, Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенциянинг тегишли нормалари таҳлил қилинган.

Ёшлар сиёсати соҳасидаги минтақавий тусдаги халқаро стандартлар сифатида халқаро ташкилотлар томонидан ёшлар сиёсати соҳасида муайян минтақаларда қабул қилинадиган ҳужжатлар тушунилиши эътироф этилган. Жумладан, минтақавий халқаро стандартлар сифатида Европа минтақасида амал қилаётган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга болаларнинг қуролли можароларга жалб қилиниши тўғрисидаги Факультатив протокол, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга болалар савдоси, бола фоҳишабозлиги ва бола порнографияси тўғрисидаги Факультатив протокол, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари («Пекин қоидалари») ўрганилган. Шу билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари («Ар-Риёд қоидалари»), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қамокда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари («Токио қоидалари»), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари, Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138-конвенция, Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 182-конвенция ва уларга доир Тушунтириш хати атрофлича тадқиқ этилиб, улар юзасидан тегишли хулосалар баён этилган. Айни пайтда, ушбу параграф доирасида БМТ томонидан тайёрланган «Янги авлод ва таракқиёт» (2007) мавзуидаги намунавий маърузадан ушбу соҳага оид миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда фойдаланиш учун аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ёшлар сиёсати соҳасидаги халқаро тажриба АҚШ, Германия, Франция, Финляндия, Швеция каби давлатлар мисолида ўрганилган. Мазкур ўрганилган материалларни ҳуқуқий, илмий жиҳатдан таҳлил этиш асосида бу соҳадаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш таклифи илгари сурилган.

Мамлакатимизда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи ёшларида ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни юксалтиришда эришилган ютуқлар,

муаммолар ва ечимлар таҳлил қилинган. Мазкур боб доирасида мамлакатимизда ўтиш даврида ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни юксалтириш борасида эришилган ютуқлар, мустақиллик боис миллий қонунчилик тизимига асос солингани ҳамда Конституциямизнинг қабул қилингани, янги давлат ва жамият қуришда миллий менталитет ҳамда ёшларнинг ўзига хос субъектив-психологик хусусиятлари инобатга олингани, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида миллий ва умумбашарий қадриятларга тенг ёндашилгани асослаб берилган. Мазкур йўналишдаги муаммоларни тадқиқ этиш асосида бугунги глобаллашув, ахборот асри, мафкуравий таҳдидлар билан боғлиқ бир шароитда эканлиги таҳлил этилиб, илғор хорижий тажрибани миллий қонунчиликка татбиқ этиш, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, уларнинг ечими юзасидан ёшлар ва педагоглар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш, «ижтимоий институтларнинг ҳамкорлиги» тушунчасининг таърифини қонунда ифодалаш юзасидан бир қатор илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчи ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш борасидаги устувор йўналишлар умумбашарий қадриятларнинг демократик тамойиллари билан бевосита уйғунлиги илмий ҳамда юридик манбалар асосида таҳлил қилинган.

Ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш асосларини, шу жумладан, унинг демократик моделидаги устувор йўналишларни ишлаб чиқиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган. Жумладан, тегишли ҳудудда таълим олаётган имконияти чекланган ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг устувор йўналиш ва истиқболларини белгилайдиган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунга «Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга асос бўлувчи тарғиботлар тизими» деб номланган махсус боб киритиш, унда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ваколатларни аниқ тақсимлаш ҳам муҳим вазифалар қаторидадир. Шу сабабли ҳуқуқий ва сиёсий тарғиботнинг самарали тизимини яратишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, моддий ва молиявий асосларини мустаҳкамлаш, шунингдек, тарғибот ишлари самарадорлигини аниқлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтларига ёшлар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш ваколатини бериш тўғрисидаги таклифлар асослантилган.

Мазкур бобда тадқиқотчи мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати талабларидан келиб чиқиб, Конституциямизнинг маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатига тегишли 21-боби 100-моддаси 4-бандига ёшлар сиёсатини амалга оширишга оид ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифини билдирган.

ХУЛОСА

«Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш» мавзудаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга хулосаларга келинди:

1. Ёшларга оид сиёсат – давлатнинг демократик тараққиёт йўлида ривожланишида ёшларни муҳим стратегик куч сифатида тан олиши, замонавий дунёда ёшларнинг эҳтиёжлари, уларнинг мавжуд демократик муҳитга тўғри мослашувига йўналтирилган қонунчилик ва ижро этиш хусусиятининг йиғиндиси ҳамда ўзининг ёшларга нисбатан бошқарув ва ижтимоий функцияларини демократик сиёсий тизим, халқаро ҳамда миллий ҳуқуқ нормалари талаблари даражасида тўлиқ бажариши. Ёш авлод вакиллари манфаатини, бошқа қатламлар вакиллари манфаатига қарши қўймасдан, умуммиллий манфаат билан уйғунлаштириш – ёшларга оид сиёсатнинг асосий вазифасидир.

2. Ҳуқуқий маданият – ижтимоий маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у шахснинг ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий институтлар таъсирида, миллий менталитет асосида миллий ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларини замон талаблари даражасида ўзлаштирганлиги, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан ижтимоийлашуви, шунингдек, ўз ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги индивидуал ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий хулқ-атворнинг амалдаги йиғиндиси. «Ҳуқуқий маданият» тушунчаси соф ҳуқуқ доирасидан анча четга чиқиб, қатъий тартиб-интизом, шахсий жавобгарлик жамиятда чинакам ижтимоий адолат ўрнатиш, жамият ҳуқуқий ҳаётининг энг муҳим томонларига дахлдор кадрият сифатида аҳамиятга молик бўлган хулқ-атвор қарор топишига сабаб бўлади.

3. Сиёсий маданият – инсоннинг сиёсий тарихий тажрибалари асосидаги сиёсий тизим, сиёсий воқелик, сиёсат, қонунлар ва унинг амал қилиш қоидалари ҳақидаги тасаввурлари, шахснинг фикрлаш, воқелик ва ҳодисаларга онгли муносабатда бўлиш ҳамда тизимли дунёқараш ҳосил қилиши асоси. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир шахснинг муайян сиёсий тизимда мақсадли ҳаракат қилишининг заминидир.

4. Ёшлар ҳуқуқий маданияти – адолат, аҳиллик, инсоф, масъулият, фаоллик, шаън, ғурур ва кадрият каби ижтимоий маданиятнинг элементлари асосида шаклланадиган ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий ижтимоийлашуви натижаси. Маданиятнинг ушбу тури ёшларнинг қонунларга муносабати, ҳуқуқий саводхонлик даражаси, ҳуқуқ бузилишларига муросасизлигини англатадиган, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий хулқ-атвори ёш хусусиятига кўра ўзида мужассам этадиган тушунча.

5. Ёшлар сиёсий маданияти – шахснинг эрта болалиқдан дастлаб оилада, мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари, шунингдек, ташқи таъсир доирасида давлат, сиёсий тизим, сиёсий институт ва сиёсий жараёнлар ҳақидаги сиёсий онг, сиёсий билим ва сиёсий хулқ-атворнинг йиғиндиси.

6. Ўтказилган тадқиқот ва социологик сўровлар асосида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти етарли даражада эмаслиги асослаб берилди. Уларни юксалтириш учун бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

7. Академик лицей ҳамда касб-хунар коллежи ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мураккаб ва узоқ давомли жараён бўлиб, сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, тарбиявий ва бошқа чораларни назарда тутувчи тизимли бўлган ягона давлат сиёсати асосида амалга ошиши мумкин. Бу маданият ҳуқуқ ва қонунга ҳурматга, ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракатни рағбатлантириш ва юқори ҳуқуқий фаолликни таъминлашга таянади.

8. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг 3-банди 1-хатбошисида белгиланган аҳолининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, мансабдор шахслар ва мутахассисларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда дастур 4-банди 3-хатбошисидаги: «юридик фанларни тестлар ва давлат имтиҳонларига киритиш» ва 4-хатбошисидаги: «педагог ва тарбиячиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун таъсирчан чоралар кўриш» вазифалари ижроси айрим сабабларга кўра таъминланмай қолгани юзасидан танқидий фикр билдирилиб, келгусида мазкур Қонуннинг янги таҳририда уларни сифатли таъминлашни назарда тутувчи нормаларни ишлаб чиқиш таклифи берилди.

9. Ўзбекистон Республикаси «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасига «уюшмаган ёшлар» тушунчаси, илмий тилда айтганда, ўз мақсадини индивидуал тарзда, давлат ва жамиятда яратилган имкониятлардан фойдаланмасдан, примитив, нофаол тарзда самарасиз амалга ошираётган, ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишламайдиган ёшлар гуруҳини англатади. Бу тоифадаги ёшлар ўз мақсадини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасига эга бўлмайди. Уларда ижтимоий фаоллик, ҳуқуқий-сиёсий онг ва маданият даражаси паст бўлади», деб тўлдириш ҳамда Қонуннинг 23-моддасига ўзгартиш киритилиб, уни қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф қилинди:

«23-модда. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уюшмаган ёшлар учун қуйидагилар кафолатланади:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, ички ишлар органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари ташкилотлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатга олиниши;

ёшларга мавжуд иш ўринлари таклиф этилиши;

агар ёшлар доимий истиқомат қилаётган жойда мавсумий ишлар мавжуд бўлса, уларни мазкур ишларга жойлашишини таъминлаш;

таклиф этилаётган иш тури уюшмаган ёшларнинг мутахассислигига тўғри келмаган тақдирда уларни олти ойгача давлат томонидан бепул янги касбга ўқитишини таъминлаш;

ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятларини яратиш ва бу борада уларни қўллаб-қувватлаш;

ушбу тоифа ёшлари ҳаётда муносиб ўринларини топишига давлат томонидан ҳар томонлама кўмак бериш».

Бундай норма уюлмаган ёшлар сафи кенгайишининг олдини олиб, бу тоифа ёшларининг куч ва имкониятидан Ватан равнақи йўлида фойдаланиш ҳамда ёш фуқароларнинг давлатдан рози бўлиб, унинг хизматига шай бўлишига имконият яратади.

10. Прокуратура, ички ишлар ва адлия каби давлат органлари томонидан ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши, сабаблари ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш асослаб берилган. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш мақсадида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси 4-банди, 15-моддаси 2-банди, 16-моддаси 4-бандига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш билан боғлиқ илмий асослантилган ҳамда ижтимоий сўров натижалари билан тасдиқланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

11. Глобаллашув ва ахборот асри саналмиш бугунги тезкор замонда ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчи ёшлари тафаккурига ҳуқуқий билимни сингдириш учун давлат томонидан ҳуқуқий тарғиботнинг оптимал, замон талабига мос, инновацион ва таъсирчан усулларида фойдаланиш имконияти мавжудлиги ҳамда ёшларнинг Интернетдан тўғри фойдаланишини тартибга солишини назарда тутувчи, уларнинг турли бузғунчи кучлар таъсирига тушишининг олдини олувчи «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун тарғиботининг аниқ шакллари таклиф этилди.

12. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 5106-сон Фармони асосида «Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низом»га ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган алоҳида бандлар киритилиши лозими асослантилди.

13. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантиришга асос бўлувчи «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунга асосан ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган 21-моддаси 1-бандидаги, шунингдек, сўзидан кейин «ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишни» жумласи қуйидаги: «ёшларнинг илм-фан, китобхонлик, маданият ва санъатга қизиқишини кучайтириш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишни» деган таҳрирда баён этилиши асослантилган.

14. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти соҳаларида ёшларнинг иштирокини янада фаоллаштириш мақсадида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси 3-банди: «ёшларнинг» деган жумла «ёшлар ҳамда уюшмаган ёшларнинг...» деб, 5-банди эса: «...уюшмаган ёшларнинг» тарзида ўзгартирилиши, 19-модданинг 2-банди: «ёшларда...» деб бошланган жумлани: «ёшлар ҳамда уюшмаган ёшларда...», шу модданинг 4-бандидаги: «ёшларни...», «ёшлар, шу жумладан, уюшмаган ёшларни...» тарзида ўзгартирилиши юзасидан берилган таклифлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмаган ёшлар билан ишлаш соҳасидаги ваколатларини аниқлаштиришга хизмат қилиши асосланган.

15. Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ўқувчи ёшларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида мазкур тизимнинг оптималлаштирилиши муносабати билан 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, муайян академик лицей ёки касб-хунар коллежида тажриба тариқасида ўқув режасида мавжуд ҳуқуқий фанни бир ўқув йили давомида таълим муассасасининг йўналиши ёки ихтисослигидан келиб чиқиб, ўқув режасига киритиб ўқитиш таклифи асосланган.

16. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий ҳамкорлик соҳасидаги ваколатларининг ҳуқуқий асосларини аниқлаштириш ва янада ривожлантириш мақсадида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси 2-бандидаги ижтимоий шерикликнинг субъектларига оид қисмини: «Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектларидир» деб ўзгартирилишига доир таклиф илгари сурилган.

17. Ювенал адлия – вояга етмаганлар иши юзасидан суд ишларини юритишда ҳар бир ҳуқуқбузар шахсига ва ҳар бир ҳуқуқбузарлик фактига ўзига хос ёндашиш, яъни индивидуал ҳолда масалани ҳал этиш лозимлиги кўрсатилган. Ювенал адлия вояга етмаганларнинг одил судловга оид ҳуқуқини юқори даражада таъминлаш имконига эгаллиги албатта, жамоатчилик кучига асосланиши таҳлил этилган. Келтирилган фикрлар ҳамда халқаро ҳуқуқий тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатимизда ювенал юстицияни ташкил этиш зарурлиги асосланган.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеяси 72-сессиясида билдирилган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенцияни қабул қилиш ҳақидаги таклифи юзасидан тадқиқотчининг қуйидаги тавсиялари асосланган:

- МДХга аъзо давлатлар ёшлари ўртасида миллий манфаатлардан келиб чиқиб, манфаатли иқтисодий-ижтимоий ҳамкорликни мунтазам таъминлаш мақсадида ёшларга оид сиёсатни шакллантиришга қаратилган универсал минтақавий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

- дунё ёшларининг сайёрамизда бўлаётган урушларнинг олдини олишга бағишланган муносабатини ўзида акс эттирувчи «Дунё ёшлари урушга қарши» йўналишида ЮНИСЕФ томонидан халқаро хужжат лойиҳасини тайёрлаб, унинг ижросини таъминлашга эришиш.

19. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини комплекс юксалтиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини янада такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш учун таклифлар асослантилди ва уларни ваколатли органларга тақдим этиш таклифи этилди.

20. Тадқиқот давомида амалга оширилган таҳлиллар натижаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони асосида «Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низом»га, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган алоҳида бандлар киритиш таклифи асослантилди.

21. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий фаоллиги фақат таълим жараёнида эмас, балки ёшлар ихтиёрий равишда иштирок этадиган, ушбу жараёнга таъсири юқори бўладиган ижтимоий-сиёсий тадбирлар орқали юксалиб бориши асослантилган ва бундай тадбирларни ўтказишни тартибга солувчи Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази томонидан алоҳида низом ишлаб чиқилиши таклифи қилинган.

22. Ёшларга оид давлат сиёсати талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакатимизда маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатига тегишли 100-моддаси 4-бандига «ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш» деган қўшимча киритиш таклифи асослантилди.

23. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришнинг устувор йўналишлари ва истиқболларини ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг тартибини белгилайдиган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг учинчи бобидан кейин, тўртинчи бобидан олдин «Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга асос бўлувчи тарғиботлар тизими» деб номланган махсус боб киритиш, унда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ваколатларни аниқ тақсимлаш, ҳуқуқий ва сиёсий тарғиботнинг самарали тизимини яратишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, моддий ва молиявий асосларини мустаҳкамлаш, шунингдек, ёшлар масаласида олиб борилаётган ҳуқуқий ва сиёсий тарғибот ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти институтларига ёшлар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш амалиётини анъанавий йўлга қўйиш лозим.

24. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида қонуний рухсат этилган штат бирлиги асосида «ёшлар етакчиси»нинг самарали, доимий

фаолиятини йўлга қўйиш орқали ўқувчи ёшларнинг академик лицей ва касб-хунар коллежларида маънавий-маърифий тарбия ишларини, ўз тенгдошларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ўқувчиларда ватанпарварлик ва миллий мустақиллик ғояларига содиқлик руҳини шакллантириш, бой илмий, маданий ва маънавий меросимизга, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий сифатларни амалга ошириш таклифи асослантирилди.

25. Ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида тарбиявий жараёни академик лицей ёки касб-хунар коллежининг ўзига хос хусусияти ва таълим йўналишидан келиб чиқиб, аниқ, реал ва таъсирчан ҳамда самарали тадбирлар асосида амалга ошириш тизимини жорий этиш кераклиги, бу борада юқори турувчи манфаатдор ташкилотлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиши лозимлиги ҳамда шу вақтга қадар амал қилган, бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, ҳаммага бир хилда баҳо берувчи, шахс индивидуаллигини инкор этувчи эски тизимдан воз кечиш зарурлиги хусусида таклиф берилди.

26. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчи ёшларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини баҳолашнинг асосий мезони сифатида: уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишлари ва уларга амал қилиш кўникмасининг шаклланганлиги; ўзлари яшаётган жамиятда ҳуқуқий ва сиёсий тизим талабларини идрок этиши ҳамда мазкур жараёнларда бевосита иштироқи; мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ва сиёсий ислохотлардан хабардорлик даражаси; ҳуқуқий ва сиёсий билимларга эгаллиги ҳамда улардан фойдалана олиш кабилар асослантирилиб берилди.

27. Мамлакатимиздаги олий юридик ўқув юртлари ҳузурида юридик клиникалар фаолиятини такомиллаштириш бўйича намунавий низом лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уларда волонтерлик ҳаракатларини фаоллаштириш асосида талабаларнинг академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини оширишга бевосита амалий ҳисса қўшишига шароит яратувчи тизимни вужудга келтиришнинг зарурати ҳуқуқий жиҳатдан асослантирилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Уч.23.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ
ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КАДЫРОВ ЭШМУХАМАД ОМАНТУРДИЕВИЧ

**ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ПРАВОВОЙ И ПОЛИТИЧЕСКОЙ
КУЛЬТУРЫ МОЛОДЁЖИ (НА ПРИМЕРЕ АКАДЕМИЧЕСКИХ
ЛИЦЕЕВ И ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОЛЛЕДЖЕЙ)**

**12.00.01 – Теория и история государства и права.
История правовых учений (юридические науки)**

АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам

Ташкент – 2019

Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.DSc/Yu3

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.dba.uz/uz/content/avtoreferatlar) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Тультеев Ильяс Тавасович доктор юридических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Маматов Худаяр Тешаевич доктор юридических наук, доцент Сатаров Абдугафур Хамидович доктор юридических наук Тургунов Илхам Тургунович доктор юридических наук
Ведущая организация:	Академия Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится 17 января 2019 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06. 2017.Yu.23.01 по присуждению ученых степеней при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, д.45. Тел.: (99871) 232-60-80, (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрирована за №25). Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-61-25

Автореферат диссертации разослан 3 января 2019 года.

(протокол реестра рассылки №8 от 3 января 2019 года).

О.Т.Хусанов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

А.Э.Йулдашев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат юридических наук

С.М.Селиманова

Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В связи с интенсификацией во всем мире процессов глобализации, усилением социально-правовых конфликтов, все более разгорается борьба за сознание и мировоззрение более 2 миллиардов молодежи¹. Поскольку уровень правовой и политической культуры молодежи будет определять прогресс завтрашнего дня, то проблема приобретает более глобальное и актуальное значение². Генеральной Ассамблеей ООН воспитание молодежи, развитие её социально-правовой и политически активной признано приоритетными направлениями деятельности. Это показывает необходимость совершенствования методологических основ повышения духовности, правовой и политической культуры молодежи, создания инновационных способов и средств, разработки эффективных механизмов развития этой системы.

В мире особое значение приобретает анализ методологических основ, юридической природы формирования правовой и политической культуры граждан, особенно, молодежи, а также обеспечение эффективности повышения правовой и политической культуры молодежи, исследование форм и способов действенных механизмов повышения их правовой и политической осведомленности. Особенно актуальным является повышение уровня влияния молодежи в общественно-политической жизни, широкое привлечение их к общественным и государственным делам, нахождение решений по усилению их активности в процессах принятия политических решений посредством различных институтов, имплементация норм международного права в данной сфере в национальное законодательство.

Принимая во внимание, что более 60 % населения нашей республики составляет молодежь, особое внимание уделяется реализации государственной молодежной политики и всесторонней правовой защите их интересов, осуществляется целый ряд целевых мер. Глава государства отмечает: «Как известно, воспитание молодого поколения во все времена имело важное и актуальное значение. Но мы живем в XXI веке, где этот вопрос поистине превращается в вопрос жизни и смерти»³. Поэтому в нашей стране «воспитание самостоятельно мыслящей, инициативной, активной, способной брать на себя ответственность за будущее страны молодежи»⁴ определено в качестве одного из приоритетных направлений развития социальной сферы.

Настоящее диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, определенных в Законе Республики Узбекистан «О государственной молодежной политике», Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 5 июля 2017 года №УП-

¹ <https://news.un.org/565442-government-bodies-must-serve-people-uzbek-president>

² Проблемы гражданского общества. Ежемесячный обзор зарубежной литературы. – 2018. – Т., - №9 (14).

³ Ш.Мирзиёев. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу максадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир / Халқ сўзи, 2017 йил 1 июль.

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

5106 «О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана», от 25 января 2018 года №УП-5313 «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования», а также Постановлениях от 14 марта 2017 года №ПП-2829 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности образовательных учреждений среднего специального, профессионального образования», от 14 марта 2017 года №ПП-2833 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы профилактики правонарушений и борьбы с преступностью», от 14 августа 2018 года №ПП-3907 «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания» и иных актах законодательства, относящихся к теме.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» развития науки и технологий республики.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁵. Научные исследования, направленные на повышение правовой и политической культуры молодежи и развитие государственной молодежной политики, проводятся в ведущих мировых научных центрах и высших образовательных учреждениях, в частности, University of Georgetown (США), University College London (Англия), Central European University (Венгрия), University of Tennessee (Италия), University of Waterloo (Канада), Charles University (Чехия), University of Tsukuba (Япония), Российской юридической академии при Министерстве юстиции Российской Федерации, Институте изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (Узбекистан).

По итогам проведенных во всем мире исследований касательно повышения правовой и политической культуры молодежи получен ряд научных результатов, в том числе следующие: разработан правовой механизм (обучение права на основе практического опыта) и формы (нетрадиционные и неофициальные) повышения правовой и политической

⁵ Frommhold, G. Juristische Kliniken [Elektronische Ressource] /G. Frommhold // Digitale Bibliothek, Max-Planck-Institut für Europäische Rechtsgeschichte.–Zugriffsmodus: <http://dlib-zs.mpiet.mpg.de/pdf/2173669/05/1900/21736690519000470.pdf>.–Zugriffsdatum: 11.06.2018; F. Mary Robertson, A Study of Youth Political Participation in Poland and Romania, Thesis to be submitted for the degree of Doctor of Philosophy in Political Science, University College London (UCL), – 2009; D.Sirinic, The political consequences of low youth participation in contemporary democracies, In partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy, Central European University Department of Political Science, Budapest, Hungary. –2015; Isaacs, Miranda Ruth, "Tackling Youth Unemployment: An Investigation of Youth Employment in Italy" (2018). University of Tennessee Honors Thesis Projects; E.Ho, A.Clarke, I.Dougherty, Youth-led social change: Topics, engagement types, organizational types, strategies, and impacts, Environment and Resource Studies, University of Waterloo, 200 University Ave W, Waterloo, ON N2L 3G1, Canada; A.J.Dolezelova, European Union as a Factor of the Advancement of Gender Equality in the Czech Republic, Charles University Faculty of Social Sciences – 2006.

культуры молодежи на базе программы «Street law», направленной на практическое обучение права (The University of Georgetown); внедрена система мониторинга деятельности молодежи с момента начала процесса образования до приема на работу (The University College London); создан организационно-правовой механизм устранения различий в участии молодежи в политико-правовых процессах (Central European University); разработаны рекомендации, направленные на активизацию участия молодежи в политико-правовых процессах (The University of Waterloo); рекомендованы пути применения современных инновационных способов по повышению правовой и политической культуры молодежи (Charles University); изучено влияние национальных традиций на предупреждение преступности среди молодежи (University of Tsukuba); создана и усовершенствована система обеспечения политико-правовой социализации молодежи (Российская юридическая академия при Министерстве юстиции Российской Федерации).

В мире в сфере повышения правовой и политической культуры молодежи проводится ряд исследований, в том числе по следующим приоритетным направлениям: диагностика правовой культуры учащейся молодежи, повышение правовой и политической культуры молодежи, формирование правовых ценностей, определение особенностей правовой и политической культуры подростков, исследование проблем предупреждения преступности молодежи, выявление путей повышения правовой культуры молодежи, предупреждение различий участия молодежи в политических и правовых процессах, обеспечение целевого участия 15-24-летних в политико-правовой жизни.

Степень изученности проблемы. Некоторые аспекты повышения правовой и политической культуры молодежи в определенной степени исследованы в научных изысканиях национальных ученых-правоведов, в том числе Э.Абзалова, Н.Вахобова, Д.Дехконовой, Х.Закирова, З.Исламова, И.Кудрявцева, З.Мадалиевой, Х.Маматова, О.Насриддиновой, Х.Адылқариева, Ё.Садиковой, А.Саидова, У.Тожихонова, Н.Сайдалиходжаевой, Р.Турдибоевой, А.Хамраева, Ш.Якубова, а также ученых-политологов Б.Жураева, С.Жураева, Л.Тангриева, Ш.Эрматова.

В зарубежных странах некоторые аспекты повышения правовой и политической культуры подростковой молодежи исследованы в научных трудах ученых-правоведов Е.Аграновской, Р.Байниязова, Н.Вопленко, О.Демко, Ю.Дмитриева, Н.Кейзерова, А.Малько, Н.Матузова, В.Сальникова, А.Вейла, Д.Истона, Дж.Денниса, С.Полонского, Дж.Пиаже, Дж.Кевина, Дж.Торни-Пурта, С.Стивенсона, Л.Матвеева, Г.Матвеева⁶ и др.

Однако труды вышеуказанных ученых посвящены, в основном, некоторым общим аспектам правовой и политической культуры, в них нет непосредственного подхода к повышению правовой и политической культуры учащихся академических лицеев и профессиональных колледжей. Поэтому актуальным считается комплексное исследование вопроса

⁶ Эти и другие источники приведены в списке использованной литературы диссертации.

повышения правовой и политической культуры отмеченной категории молодежи.

